

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat\_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 5 (917)

2013-yil, 8-fevral, juma

## «Йилнинг энг яхши фойдали модели»

андижонлик олимларнинг ихтироси шундай номга лойиқ топилди

### Инновация

Андижон давлат университетининг физика кафедраси олимлари томонидан ихтиро қилинган «Күёш генератори» ишланмаси 2012 йилги «Янги интеллект» республика танловида «Йилнинг энг яхши фойдали модели» деб топилди. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасида истеъмолчилар томонидан юқори баҳоланган ушбу янги ишланмани мамлакатимизда йил сайин ривожланиб бораётган тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш субъектларида кичик қувватли электрон қурилмаларни энергия билан таъминловчи манба сифатида қўллаш мумкин. Жаҳонда мавжуд аналогларига нисбатан мазкур күёш генераторини тайёрлаш учун қимматбаҳо кремний хомашёси уч баробар кам миқдорда сарфланиши билан афзалдир.

Жаҳон молиявий инқироzi оқибатларини бартараф этишнинг мақбул ечимларидан бири иқтисодийтн замонавий инновацион технологиялар асосига куриш ва уни янги талаблар асосида доимий ривожлантириб бориш эканлигини бутун дунё иқтисодчилари таъкидлашмоқда. Инновацияга асосланган иқтисодни эса фақатгина ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқлари муаммоларини чуқур тадқиқ этиш, истиқболли илмий ихтиро ва янгиликларни амалиётга татбиқ этиш орқали куриш мумкин.

Бу жараёнда иқтисодийтнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш, олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини тако-

миллаштириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш орқали иқтисодийтмиз ривожига ўз ихтиролари, инновацион ишланма ва лойиҳалари билан ҳисса қўша оладиган, замонавий билим-кўникмаларга эга малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда нафақат пойтахтдаги олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари, балки вилоятлардаги олий ўқув юрталарининг ҳам илмий салоҳияти юксалиб, ёш олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган ишланма ва ихтиролар яратилмоқда.

3 ➤



## Хорижий тилларни билиш — давр талаби

### Қарор ва ижро

Пойтахтимиздаги немис тилига ихтисослашган 60-умумтаълим мактабининг 15 нафар ўқитувчиси Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Интерфаол доскалар билан ишлаш мураббий» йўналиши бўйича ўқитилди. Бу эса ўқув муассасида хорижий тилларни ўзлаштириш жараёнига энг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини беради. Хусусан, интерфаол доскалар имкониятларидан фойдаланиш хорижий тилларни ўқитишни янада самарали ва сифатли бўлишини таъминлабгина қолмай, уни ҳар бир болани қизиқтириб қўядиган завқли ўйинга айлантиради.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан чет тиллар умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш бўйича босқичма-босқич ўқитила бошланади. Мазкур ўзгаришларни амалга оширишда хорижий тилларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари муҳим роль ўйнайди.

Мактабда немис тили дарс-

лари иккинчи синфдан бошлаб ўқитилади. Ушбу фан учун ҳафтасига олти соат ажратилган. Оддий умумтаълим мактабларидан фарқли равишда, бу ерда болаларда муайян лугат бойлигини шакллантириш ёки грамматика қоидаларидан тўғри фойдаланишга эришиш бош мақсад этиб қўйилмайди. Энг аввало, болалар немис тилида сўзлашишни, ундан кейин эркин мулоқот қилишни ўрганиши лозим. Ўқитиш тизими тўла банд бўлиш ва автоматик тарзда эслаб қолиш принциплари асосига қурилган. Дарслар немис тилида ўтилади, болалар зарур сўз ва ибораларни автоматик тарзда эслаб қола-

ди ва грамматикани ўзлаштири боради.

Ўқиш жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич якунида болалар имтиҳон топширади ва таълим жараёни якунида уларга тегишли диплом берилади. Давлат аттестатидан ташқари уларга сертификат ҳам топширилади. Унинг асосида тўққизинчи синфни тугатган битирувчилар тил йўналишидаги хорижий ўқув муассасасига немис тилидан имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқига эгадир.

Суратда: ўқувчилар машғулот пайтида.

А.ЕҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

## Зиммамиздаги масъулият амалий ишларга ундайди

### Депутатлик гуруҳларида

Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг ҳаётий муаммоларига ечим топиш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижросини назорат қилиш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муаммоли масалаларни кўтариб чиқиш бугунги кунда ҳар бир депутатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.



Ана шу мезонлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган 39 нафар депутатларимиз ҳам ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг бажарилиши ва партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатишмоқда. Бунда кам сонли бўлса-да, Жондор туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимизнинг алоҳида ўрни бор.

Таъкидлаш лозимки, депутатлик гуруҳимизнинг маҳаллий аҳамиятга молик, электоратимизни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва уларга ижобий ечим топишда бошлангич ташкилотлари ҳамда вилоят партия Кенгаши билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда.

2 ➤

### ФАКТ ВА РАҚАМ

2013 йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиги ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган. Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7-9 фоизни ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади.



### Муҳаммад АЛИ:

«Навоий ижодининг асоси — инсонни улуғлаш ва адолат»

### 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

9 февраль — ўзбек адабиёти дарғаси, буюк шоир Алишер Навоий таваллуд топган кун. Шу кунларда нафақат Ўзбекистон, балки мутафаккир асарлари кириб борган ҳар бир мамлакатда навоийхонлик давра сўхбатлари ўтказилиши анъана тусига айланган. Сўхбатдошимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Амир Темур» халқаро жамғармаси раиси, филология фанлари номзоди, моҳир таржимон, серқирра ижодкор, публицист, «Адолат» СДП аъзоси — Муҳаммад АЛИ билан гурунгимиз ҳам Навоийнинг ижоди ва ҳаёти мавзусида бўлди.



6 ➤

### БИЗНИНГ ХУШХАБАР!



Газетамизнинг веб-сайти иш бошлади. [www.adolatgz.uz](http://www.adolatgz.uz) билан мулоқотда бўлинг.

### ҚОИДАБУЗАР ПИЁДАЛАРДАН

жойида жарима ундирилади



5 ➤

# Партия ҳаёти

## Зиммамиздаги масъулият амалий ишларга ундайди

Давони, Боши 1-бетда

Ўтган 2012 йилда депутатлик гуруҳимиз аъзолари Феруза Ёғдиева ва Ўқтам Эргашевлар билан жойларда аҳоли билан ўтказилган тадбирлар, учрашув ва юзма-юз мулоқотларда электорат вакиллари томонидан билдирилган таклиф ва муаммоларни, шунингдек, фуқаролардан депутатларимизга тушган оғзаки ва ёзма мурожаатларни атрофлича ўргандик, уларнинг ечимини излаш ва амалий ҳал этишга жиддий ёндашдик.

Хусусан, 18-Қароли сайлов округидаги сайловчиларнинг мурожаатларини ўрганишимизда ҳудудда мактабгача таълим муассасасига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Туман халқ таълими бўлимига депутатлик сўрови билан чиқишимиз ва ҳомийларни жалб қилишимиз натижасида бу ердаги эски мактаб билан таъмирланиб, болажонларни ўз бағрига олган «Бойчечак» мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсата бошлади.

Феруза Ёғдиева туман ҳокимлигининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси» аъзоси сифатида ўзи сайланган 13-Почтойи сайлов округидаги 28-29-умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтишлари масаласига эътибор қаратиб, бу ишга ўзи бош-қош бўлди. Чекка ҳудудлардаги ёшларни спортга жалб этиш мақсадида мактаб раҳбарияти билан ҳамкорликда спорт тўғрисидаги ташкил этишга кўмаклашди. Унинг ташаббуси билан Жондор тумани кишлоқ хўжалиги қасб-хунар коллежи ва «Баҳористон» маҳалласида ёшларни одам савдоси ҳамда ташқи миграциядан сақлаш мақсадида бир неча бор давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари Ф.Ёғдиева ўз сайлов округидаги ёшларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўриқдан ўтиши масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўтган йил охирида 18-сайлов округи ҳудудида жойлашган 5 та кишлоқ аҳолисини узок йиллардан бери қўйиб қалаётган муаммони ечишга муваффақ бўлинди. Бу ҳудудда яшовчи аҳоли учун қиш мавсуми бошланишидан аввал табиий газ босимининг пастлиги сабабли кўп ноқулайликлар



туғилар эди. Тегишли ташкилотлар ва ҳомийларнинг 150 миллион сўмлик кўмагини жалб этиш орқали газ тармоғи ишга туширилди. Зарафшон дарёсининг устидан тортиб келинган янги газ қувурлари сабаб, бу ердаги 5 та кишлоқда баланд босимли «зангори олов» ёнди. Бу эса минглаб оидаларнинг фаровонлигини таъминлаш йўлида ташланган яна бир қадам бўлди.

Шунингдек, Конституция-мизнинг 20 йиллик байрами олдидан партияимиз илгари сурган «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!» тамойилига асосан, «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг кўллаб-қувватлаши билан 18-сайлов округида яшовчи бир гуруҳ нурунийлар учун хайрия тадбири ташкил этилди. «Қарияларни қадрлаймиз!» деб номланган маъруза тадбир доирасида 30 дан ортиқ отахону онахонлар қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилдилар.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» деб номланган маърузасида белгилан-

**Феруза Ёғдиева** туман ҳокимлигининг «Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси» аъзоси сифатида ўзи сайланган 13-Почтойи сайлов округидаги 28-29-умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтишлари масаласига эътибор қаратиб, бу ишга ўзи бош-қош бўлди. Чекка ҳудудлардаги ёшларни спортга жалб этиш мақсадида мактаб раҳбарияти билан ҳамкорликда спорт тўғрисидаги ташкил этишга кўмаклашди.

ган устувор вазифалар ҳамда уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон «Адолат» СДП Ҳаракат дастурининг асосий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, депутатлик гуруҳи томонидан жорий «Обод турмуш йили» учун қатор амалий тадбирларни режалаштираёلمиз.

Хусусан, Юртбошимиз маърузасидаги буг-газ электр

станцияларини қуриш, муқобил энергиядан фойдаланиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда, «Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетикани жорий этиш»ни кенг татбиқ қилиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгашининг жорий йилдаги сессиясига масала киритишни мўлжаллаёلمиз.

Ҳозирги пайтда аграр соҳани инновацион техник ривожлантириш, соҳада тежамкор сўғориш усулларини тақомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланади. Шу боис, бу ҳақдаги масалани ҳам туман кенгаши сессиясига киритишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни, доимий иш жойига эга бўлмаганлар ва ҳарбий хизматдан бўшаган йигитларни иш билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги фаолиятимизда фақатгина депутатлик назорати билан чекланиб қолмасдан, фуқароларга ҳар томонлама амалий кўмак бериш ҳам дастурий мақсадимизга айланган.

**Зафар ЖУМАЕВ**, халқ депутатлари Жондор тумани Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари



## Сиёсий етук ва инноватор ёшлар

тарбияси партия олдидаги муҳим вазифалардандир

### Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши ташаббуси билан Зарбдор туманида ана шу мавзуга оид ўқув семинари ташкил этилди. Унда партия фаолиятида «Ёш адолатчилар» қаноти аъзоларининг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг жойларда қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатишда фаол иштирок этиш ҳамда партиявий вазифалар юзасидан ташаббускорлигини кучайтиришга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, партия позициясини мустаҳкамлаш ва белгиланган вазифаларни амалга оширишда вилоят Кенгаши қанотидаги «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам ўз режалари ва ҳаракат дастури билан қатор тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

— Вилоятда партия аъзоларининг 44 фоизини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Р.Тўйчиев. — Ўтган йил мовбаъда партия аъзолари қабул қилинганлар орасида 30 ёшгача бўлган ёшлар 90 фоизни ташкил этди. Бу вилоят партия Кенгашининг ёшлар билан самарали ишлаётганлигида далолатдир.

Бугун ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий-маънавий яхши биладиган иқтидор эгаларини кашф этишга ҳаракат қилмоқдамизки, улар келажакда партияимизнинг инновацион иқтисодий шакллантириш борасидаги дастурий вазифаларни ижросига муносиб ҳисса қўша оладиган етук кадрлар сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Семинарда тингланган маълумотлар билан мамлакат

таъкидланганидек, партия позициясини мустаҳкамлаш ва белгиланган вазифаларни амалга оширишда вилоят Кенгаши қанотидаги «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам ўз режалари ва ҳаракат дастури билан қатор тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

Шунингдек, тадбирда ёшлар учун жамоатчилик билан ишлаш, уларнинг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда етакчилик қобилиятини аниқлашга қаратилган интерфаол машғулот ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар гуруҳларга ажралган ҳолда ташкилотчилик ва тарғиботчилик борасидаги ўз иқтидорларини намойён этишди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ўз олдида кўйган мақсад ва вазифалари негизда ўсиб келаётган ёш авлод камолоти ва улар салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда муносиб ҳаёт яратиш орзуси ётади, албатта, — деди «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли О.Ўзбеков. — Бу орзу рўёби учун партиянинг ҳар бир аъзоси масъул. Семинарда ўзимизни ўйлантираётган кўпга вазифаларга жавоб топдик. Бажарилавиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашдик.

мизда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Айниқса, Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, унда жорий йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун белгилаб берилган устувор йўналишлар, уларнинг ижросида сиёсий партиялар олдида кўйилаётган вазифалар ҳамда унда ёшларнинг иштироки хусусидаги фикр-мулоҳазалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбирда ёшлар учун жамоатчилик билан ишлаш, уларнинг сиёсий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда етакчилик қобилиятини аниқлашга қаратилган интерфаол машғулот ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар гуруҳларга ажралган ҳолда ташкилотчилик ва тарғиботчилик борасидаги ўз иқтидорларини намойён этишди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ўз олдида кўйган мақсад ва вазифалари негизда ўсиб келаётган ёш авлод камолоти ва улар салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда муносиб ҳаёт яратиш орзуси ётади, албатта, — деди «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли О.Ўзбеков. — Бу орзу рўёби учун партиянинг ҳар бир аъзоси масъул. Семинарда ўзимизни ўйлантираётган кўпга вазифаларга жавоб топдик. Бажарилавиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашдик.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати

## Бошқарувда очиқлик, ҳисобдорлик тамойили

корхона жамоасининг манфаатларига дахлдор ижтимоий масалаларни тўғри ва адолатли ҳал этишга кўмаклашмоқда

### Қўйи бўғинларда

Самарқанд туманидаги «СамРосход» қўшма корхонасида «Адолат» СДПнинг бошланғич партия ташкилоти самарали фаолият юритиб келмоқда. Юз нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда ижтимоий адолат меъёрларига амақ қилиниши дейсизми, корхона фахрийларининг турмуш шароитидан бохабар бўлиши ёки коллеж битирувчисининг ишга жойлашиб, мутахассис сифатида шаклланишига кўмаклашиш дейсизми, экологик мутаносибликни таъминлаш дейсизми — партия фаоллари барча ишга дахлдор, назоратчи. Шу тариқа бошқарувда очиқлик таъминлангани тўғрисида қорхона тараққиётига оид энг тўғри қарор қабул қилинмоқда.

Аслини олганда, «СамРосход» қўшма корхонаси ўз ишлаб чиқариш хусусияти ва бу ерда жорий этилган мукамал технологияларга кўра, нафақат Самарқандда, балки республикамизда ҳам кўзга кўринган, кенг имкониятларга эга корхоналардан ҳисобланади. 8-турдаги ана шундай қурилиш ашёларини сотишдан 2 миллиард 800 миллион сўмлик даромад олди. Корхонадаги

пенополистераль қопламалар ишлаб чиқармоқда. Бу ашёлар ҳозирги пайтда республикамизнинг кўплаб вилоятларига, хусусан, Навоий эркин иқтисодий зонасидаги қурилиш объектига етказиб берилмоқда.

Қўшма корхона ўтган йили 2 миллион сўмлик қўшма маърузасида белгиланган устувор вазифалар ҳамда уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон «Адолат» СДП Ҳаракат дастурининг асосий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, депутатлик гуруҳи томонидан жорий «Обод турмуш йили» учун қатор амалий тадбирларни режалаштираёلمиз.



айрим техник ва молиявий масалалар яқин орада ҳал этилишидан сўнг, бу натижа янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

— Маъмурият ходимларини йил давомида узлуксиз иш ва юқори маош билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўриб қўйган, — дейди корхона бош директори Акбар Шарипов. — Хусусан, мева-сабзавотларни

қишда сақлаш имконини берадиган махсус омборхона қурганимиз. Бу ерда минг тоннагача маҳсулотни сақлаб, керакли пайтда бозорларга сотувга чиқараямиз. Ҳам наҳавони арзонлаштиришга, ҳам жамоамизга қўшимча даромад топиб беришга муваффақ бўлаёلمиз. Шундай фойдали ташаббусларнинг пайдо бўлишида «Адолат» СДП аъзолари

нинг таклифлари маъмуриятга кўл келмоқда. Уларнинг «қарордан олдин бизни бохабар қилинг» дейишларидан сира хафа эмасман. Чунки ҳамкорлик, ҳамфикрлик усули ишга фойда келтирмоқда.

Раҳбарнинг эътирофи самими эканлигига партия фаоллари билан суҳбатлашгангиз дилдан иқдор бўласиз. Сабаби, уларнинг барчаси, энг аввало, ўз ишининг ҳақиқий му-

тахассиси, масъулиятни ўз зиммасига оладиган кишилар. Хусусан, БПТ раиси Улугбек Мардонқулов корхона маркетинг бўлимида меҳнат қилади. Ҳуқуқий саводхон, сиёсий етук ёшларимиздан. Унинг ташаббуси билан корхона ишчиларининг сиёсий билимларини ошириш учун тез-тез сиёсий ўқувлар ва маърифат дарслари ташкил этилмоқда. Райим Жўрақулов ҳисоб бўлими

да, Виктор Глебов энергетика, Азамат Баҳриев экспедитор Суннат Аҳтамов цех бошлиги, Улугбек Оқилов ишчи сифатида фаолият юритиб келмоқда. Уларни бирлаштирган ягона маслақ, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш гоёсини илгари сураётган партия гоёси. Бу уларни доим олдинги қаторда юришга, ижтимоий масалаларни теран илғаб, ҳозиржавоблик билан ҳал этишга ундамоқда.

«СамРосход»да илғор технологиялар муваффақиятли жорий этилиб, сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари кескин яхшиланаётгани, жамоанинг моддий аҳоли ўзгариб, ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганлиги, қолаверса, жамоатчилик назорати таъминлангани, бошқарувдаги кадрлар масъулиятини кучайтирилганлиги ва ижро интизоми пухта йўлга қўйилганлиги тўғрисида фикр алмашдик.

Зохир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» муҳбири

# Жамоатчилик назоратини ўрнатишда

## маҳалланинг ваколатлари янада кенгайтирилмоқда

### Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Дастлаб «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг янги тахрири фракция аъзолари эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг жамоатчилик назорати функциясини янада кенгайтиришга жиҳдий эътибор қаратиш каби Концепцияда кўзда тутилган устувор вазифалар ўз аксини топмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳаси орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан жамоатчилик назорати амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги қарорларни белгиланган эътиборга молик.

Муҳокама жараёнида депутатлар томонидан Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси ташаббускорларига бир қатор аниқлаштирувчи савол ҳамда тақлифлар берилди.

Хусусан, фракция аъзолари А.Аҳадов, З.Ботирова ва О.Ахунвалар янги тахрирдаги ушбу қонун маҳаллага берилмаётган ваколатларни кенгайтириши муносабати билан давлат бюджетидан уларга ажратилаётган маблағлар миқдори ҳамда қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида жойларда кенг жамоатчилик билан ўтказилган тадбирлар ва олинган тақлифлар юзасидан аниқлаштирувчи савол билан муножот қилишди. Қонун лойиҳасининг

16-моддаси билан маҳаллаларга жамоатчилик назорати юзасидан берилмаётган ваколатларни янада кенгайтириш лозимлиги юзасидан тақлифларини билдиришди.



Тулқин Абдусатторов, фракция аъзоси:

— Тақлиф қилинаётган янги нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, жумладан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Партиямиз ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори сифатида маҳаллани фуқаролик жамияти сари элтувчи йўл деб билади. Шу боис мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллашимиз ва уни жойларда аҳоли билан ўтказилаётган тадбирларда кенг тарғиб этишни жойлардаги партия

кенгашларимиз ҳамда депутатлик гуруҳлари зиммасига муҳим вазифалардан бири этиб белгиланганимиз зарур.

Биринчи ўқишда киритилган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (янги тахрир) ҳам фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унга қўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши ҳамда фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтириши маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилиши таъминланадиган чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Хусусан, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш назарда тутилмоқда. Яъни сайловни ўтказиш муддатларини белгилаш масъулияти Олий Мажлис Сенати Кенгашига юкланаётди. Шунинг-

дек, ушбу сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари қонун лойиҳасига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасидаги вертикал алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйилмаётган талабларни янада кучайтириш билан боғлиқ нормалар киритилмоқда.

Ойша Ахунова, фракция аъзоси:




— Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошқоралигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш ҳамда

сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилган. Қонун лойиҳаси бевосита фуқаролар билан ишловчи маҳалла оқсоқоллари ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини, хохиш-иродасини ифода этиши билан боғлиқ экан, уни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда партиянинг барча даражадаги депутатлик гуруҳлари, қолаверса, ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши зарур.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасининг мақсади тадбиркорлик субъектларига кенг эркинликлар бериш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилади.

Абдуқамол Раҳмонов, фракция аъзоси:



— Қонун лойиҳаси асосида юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш, аниқ пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган ҳўжалик субъектлари мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарлигини икки баробарга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари бошқона назорати муддатини уч йил билан чекловчи, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни таъқиқловчи нормалар киритилмоқда.

Адолат нуқтаи назаридан мазкур нормаларга мувофиқ, қонунчиликни бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки муайян айбдор мансабдор шахслар жавобгар бўлади. Бундан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиб, юридик шахслар учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари сақланмоқда. Ушбу нормалар жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилганлиги билан уни қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ, «Адолат» мухбири

# «Йилнинг энг яхши фойдаланиш модели»

## андижонлик олимларнинг ихтироси шундай номга лойиқ топилди

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, бу борда Андижон давлат университетиде эришилган натижалар диққатга сазовор.

— Университетимизнинг 31 кафедрасида 34 фан доктори ва профессорлар, 167 нафар доцент педагогик фаолият билан бир қаторда долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди илмий ишлар бўйича проректор, техника фанлари доктори Райимжон Алиев. — Таълим муассасамиз хузурида «Худудий инновацион фаолият ва технологиялар трансфери маркази», «Инновацион ўқув-илмий марказ», «Минтақавий тадқиқот маркази», «Психологик тадқиқотлар ва хизматлар маркази» ва «Мерос илмий жамғармаси» каби марказлар тузилган. Ҳозирда ушбу марказлар, кафедралар ҳамда мавжуд 3 та илмий лабораторияда 3 та халқаро, 10 та республика ва 54 та университет миқёсида тасдиқланган илмий йўналишлардаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқотларни замонавий инновацион иқтисодиёт муаммоларини ҳал этишга йўналтиришда 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор ижроси доирасида университетимизга 2015 йилга қадар 80 миллиард сўмга яқин инвестиция жалб этилиши кутилмоқда. 2012 йил давомида 1000 ўринли янги ўқув биноси ва киши спорт зали қуриб битказилди, иккита ўқув биноси ва талабалар турар жойи биноси капитал таъмирланди. Яна бир янгилик — университетимиз хузурида олий таълим муассасалари «Экспериментал биология ва экология» илмий лабораторияси ўз фаолиятини бошлади.

Университетда бажарилаётган илмий тадқиқотлар нати-


жаларини иқтисодиётнинг тегишли соҳаларига жорий этилишида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар» Республика ярмаркасининг ўрни муҳим бўлмоқда. Жумладан, 2012 йилда ўтказилган V республика ярмаркасида университетдан 5 та ишланма намойиш этилди.

Амалга оширилаётган илмий тадқиқотларга университетнинг 80 фоизга яқин профессор-ўқитувчилари, 14 нафар катта илмий ходимлари, 100 дан зиёд магистр ва 250дан зиёд иқтидорли талабалари жалб этилган. Мазкур мавзулар доирасида 17 нафар олим докторлик диссертациясини яқунлаш арасида ва яна 44 нафар тадқиқотчилар докторлик диссертацияси устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг тегишли соҳаларига жорий этишда ҳам университет жамоаси қатор ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Хусусан, кимё кафедраси олимлари физиологик фаол бирикмалар синтези, уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Тадқиқотлар натижалари вилоятдаги ўнга яқин деҳқон-фермер ҳўжалиларида жорий этилди.

Университетнинг физик ва биолог олимлари томонидан гўза етиштиришнинг янги агротехнологияси ихтиро этилди, учиб юрвчи ҳашаротлар ва кемирувчиларга қарши курашнинг янги қурилмалари яратилди ҳамда патентланди. Мазкур патентланган қурилмалар буюртма асосида ишлаб чиқилди ва 4 та ҳўжалик шартномаси асосида амалиётга жорий этилди.

2012 йилги Республика инновацион ярмаркасида намойиш этилган «Кўча ёриткичлари ва қишлоқ телефон станциялари учун фотоэлектрик энергия манбаи» деб номланган ишланмани амалиётга жо-



рий этиш юзасидан ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда. Ушбу қурилмада кўп энергия сарфлайдиган чўғланма лампалар ўрнига яримўткизичли нур таратувчи диодлардан фойдаланилган. Уларнинг электр энергиясини билан таъминлаш вазифаси эса қўш нуруларини электр энергиясига айлантириб берувчи кремний асосли фотоэлектрик қурилмаларга юкланган. Натижада кўчаларни ёритиш учун 6-10 баробар кам энергия сарфига эришиш мумкин. Ҳозирда ихтиро муаллифлари томонидан мазкур қурилманинг йўлақлар, дарвозахоналар, уйлари ёритишга мўлжалланган ва фойдаланиш учун қулай бўлган яна иккита лаборатория нусхаси яратилган.

Физика кафедраси олимлари «Андижоннам» ОАЖ ходимлари билан ҳамкорликда «Ис-сиқлик электр станцияларининг роторли тегирилари учун ташувчи курак ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш» мавзусидаги инновацион илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. «Андижоннам» ОАЖнинг лаборатория шaroитларида ҳамма учна катта бўлмаган металлари индукцион қиздириш йўли билан эритиш устида илмий тадқиқот ишлари ба-

жарилди. Мазкур инновацион лойиҳа асосида 2012 йил давомида 40 миллион 700 минг сўмлик иш бажарилиди.

Ботаника ва экология кафедраси олимлари Фарғона водийси флорасини тадқиқ қилиш йўналиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда илк бор Фарғона водийсидаги эндем тур A. albidum ареалига аниқлик киритилди.

Раимжон Алиевнинг таъкидлашича, кафедраларда бу каби илмий тадқиқот ишларининг бажарилиши натижасида 2012 йил давомида 8 та диссертация ҳимоя қилиниб, ёш тадқиқотчилар ўзларининг илмий салоҳиятини оширишга эришдилар. Жами 7 та монография, 65 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 320 та мақола (шу жумладан, 20дан зиёд мақолалар хорижий илмий журналларда) ва 400 дан ортиқ тезислар chop этилди. 2 ишланмага патент олиш учун ҳўжатлар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига топширилди ва учта ЭХМ дастурий махсулоти учун муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Университетда бажарилаётган ва натижалари амалиётга таъбиқ этилаётган илмий ва услубий тадқиқотлар қаторига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муас-

сасаларида ўқитиладиган бир қатор фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни ҳам қўшиш мумкин. Мазкур фанлар бўйича ўнлаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди ҳамда тегишли мувофиқлаштирувчи кенгашлар қарорига кўра республика бўйлаб таълимга жорий этилди. Уларнинг 20 га яқин муаллифлари сўнги йилларда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши ўқув адабиёти» танловининг ғолиблари сифатида тақдирландилар.

Шунингдек, Андижон давлат университетиде хорижий жамғармалар грантлари асосида тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳам бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасида университет жамоаси Италия, Португалия каби бир қатор нуфузли давлатлар университетлари билан таълимни модернизациялаш ва кадрлар малакасини такомиллаштириш масалаларида ҳамкорлик олиб бормоқда.

Жанубий Кореянинг KOICA ташкилоти билан ҳамкорликда университет Ахборот Ресурс марказида ягона нусхадаги адабиётларнинг электрон каталоги яратилди. Университетда корей тили ва маданиятини ўрганиш маркази ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда Ахборот технологиялари лабораториясини очиб лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа 2013-2014 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қиладиган замонавий ва энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда энергиянинг муҳобил манбаларидан фойдаланишга асосланган ихтиро ва ишланмаларни яратиш, уларни амалиётга таъбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишларда Андижон давлат университети олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Илёс КОМИЛОВ

# «Ёш адолатчилар» қаноти: ташаббускор куч

— Вилоят партия Кенгашимизда мавжуд 8,5 мингга яқин аъзоларимизнинг 3 600 нафардан ортингини ёшлар ташкил этади, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Эшметов. — Улар партиянинг энг фаол, жонқуяр ва фидокор қисми. Вилоят партия Кенгаши таркибидеги «Ёш адолатчилар» ташкилотлари ўзининг Низоми ҳамда йиллик режасига мувофиқ иш олиб бориб, ҳудудларда ёш партиядошлар фаолиятини мувофиқлаштиришга, ташкилий ва мафқуравий соҳаларда уларга

даги давра сўхбатида жорий Обод турмуш йилида ҳам фаоллигини янада ошириш мақсадида йиллик иш режа яна бир бор муҳокама қилиниб, тақлиф ва мулоҳазалар асосида такомиллаштирилди.

— «Ёш адолатчилар» қанотининг жорий йил иш режасига таълим муассасалари ўқувчи-талабаларини ўқитиш сифатини ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидеги ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, истеъдодли ёшларнинг илмий мартабаларини ўстиришни, битирувчи-



ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўтган Мустаҳкам оила йилида вилоят партия Кенгашининг ҳудудий «Ёш адолатчилар» ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган юздан ортиқ тадбирда 10 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этишди. Бундан ташқари, улар ташаббус билан ҳимояларда ўтказилаётган семинар-тренинглари, анжуманлари ёшлар энергиясини муҳобил манбаларидан фойдаланишга асосланган ихтиро ва ишланмаларни яратиш, уларни амалиётга таъбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишларда Андижон давлат университети олимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Яқинда вилоят партия Кенгашида ташкил этилган ҳудудий «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари ва фаоллари иштироки-

ларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш сингари масалалар ўрин олди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Жалилбек Мадаминов.

Дарвоқе, жорий йилнинг март ойида вилоятдаги қатор таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ўрганишга келишиб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Нигоҳ

# Сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчилари

**Янги рукн:**  
**«Адолат»нинг адолатли аёллари**

Мамлакатимиз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни янада мустақамланиб, обрў-эътибори ортиб бормоқда. Янгиланишларнинг ҳаётбахш нафаси гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёллар, хотин-қизлар фаолиятида туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Барча ишларга қодир, ҳаётда фаол, юртини севувчи, она Ватанини ардоқловчи, бири-бирдан ширин фарзандларни тарбиялаб камолотга етказувчи ўзбек аёли бугун ҳар жабҳада ибрат кўрсатяпти. Интилиш ва изланишлари билан овоз ва обод юртимизни янада тараққий эттиришга, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Уларнинг сафида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг ҳам борлиги қувончлидир. Бу жонқуяр, фаол, фидойи, оқила аёллар мустақиллигимизни мустақамлаш, юртимиздаги кенг камровли иш-хотларни амалга ошириш, сиёсий куч нуфузини кучайтириш, партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлашда «Адолат» СДПга ҳам қувват, ҳам таянч бўлмоқда.

Тахририятимизнинг муассис билан ҳамкорликда ташкил этган янги рукни остида газета саҳифаларида «Адолат» СДП сафларидаги фаол ва оқила аёллар ҳақида қизиқарли суҳбатлар, мақола ва очерклар, суратли лавҳалар бериб борилади. Илк суҳбатдошимиз — лойиҳа ташаббускори, Ўзбекистон «Адолат» СДП Аёллар қаноти Кенгаши раиси ўринбосари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мухаррам Дадахўжаева.

— Ўзбекистон бугун оналар, аёллар, хотин-қизлар кадр топайётган, улугланаётган юртарнинг бирига айланган. Мустақилликнинг илк онлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларни, аёлларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни мустақамлаш, ролини кучайтиришга катта куч-ғайрат сарфланяпти. Бир сўз билан айтганда, бугунги ўзбек аёли кечагисидан тубдан фарқ қилади. У атрофдаги ўзгаришларга бефарқ эмас. Оиласини бо-

шига кўтариб, фарзандларини тарбиялаш билан бирга жамият ҳаётида ҳам дадил иштирок этади. Юртимизда кечаётган кенг камровли иш-хотлардан ўзини четга олмайди, балки унинг олдинги сафларида бўлишга интилади. Мамлакатимизда аёллар доимо юксак эъзозда. Бунинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 80 дан ортик миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз.



«Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Обод маҳалла», «Сиҳат-саломатлик», «Баркамол авлод», «Мустақам оила» йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айна шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 2 мартда қабул қилинган қарор соҳада туб бурилишларни юзага келтирди. Бунга ҳамоҳанг 2004 йил 25 майда «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзага келди. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни, Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясида «Сайловлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар сони 30 фоиздан кам бўлмаслигига оид киритилган норма ва бошқа бир қатор муҳим норматив ҳужжатлар аёлларга, хотин-қизларга бўлган юксак ишонччи тўла намоён этиб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 депутатнинг 33 нафари, Сенатнинг 15 аъзоси хотин-қизлар эканлигини инобатга оладиган бўлса, аёл-

ларнинг фаоллиги тобора ортиб бораётгани ойдинлашади. Бундан ташқари улар давлат бошқарув органларида, вазирлик ва турли идораларда, олий таълим муассасаларида, маҳалла тизимида ва бошқа органларда раҳбарлик лавозимларида, масъулиятли ишларда ишлаб келмоқдалар. Ўзларига бўлган юксак ишонччи ҳалол меҳнатлари билан оқлашмоқда.

— Бу ижобий ҳолат Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятида ўзининг қандай ифодасини топаётми? Партиянинг муҳим бўлини бўлмиш «Аёллар қаноти» Кенгаши бу борада эътиборга молик қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Партия ўз фаолиятининг илк давридан хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сиёсий Кенгаш ташаббуси билан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, кучли фуқаролик жамияти қуришдаги иштирокини кучайтириш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши ташкил этилди. Айни пайтда унинг 43 минг 650 нафар аъзоси бор. Бошқачасига айтганда партия сафидаги 91 минг 442 нафар аъзонинг 48,9 фоизини аёллар ташкил этади. Уларнинг салкам 17 минг нафари олий маълумотли, 21 минг 887 нафари эса ўрта махсус маълумотга эга. Партия сафидаги хотин-қизларнинг катта қисми соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ишлайди. Қолганлари ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва ҳуқуқшунослик фаолияти билан шуғулланади.

Партия қатор соҳалар билан бирга «Аёллар қаноти» Кенгаши фаолияти самарадорлигини оширишга доимо муҳим аҳамият бериб келмоқда. Кенгаш фаоллари иштирокида жойларда услубий-методик, ўқув семинарлари ташкил этиляпти. Хотин-қизларнинг Конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият қурилишида-

ги иштирокини таъминлашга қаратилган бу тадбирлар, табиийки, ўз самарасини бера-япти. Хотин-қизларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган амалдаги қонунларнинг тўлиқ ижро этилишига эътибор кучайтирилган. Худудий партия ташкилотлари билан «Аёллар қаноти» Кенгаши ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг бу борадаги ҳамкорлиги тобора кучайиб бормоқда.

Бугунги кун ёшлари — эртанги кунда туғилажак фарзандларимиз, ворисларимизнинг ота ва оналари эканлигини назарда тутиб, таълим тизимининг барча бўғинларида тахсил олаётган ёшлар билан яқиндан ишлаяпмиз. Уларнинг онгига соғлом турмуш тарзини чуқур сингдириб бора-япмиз. Ёшларни гиёҳвандлик, кашандалик, ОИТС, ақидапастлик каби қатор иллатлардан асраб-авайлашга хизмат қилувчи тадбирларни кучайтиряпмиз. Айниқса, «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш — комил инсонни вояга етказишнинг муҳим омилли», «Мустақам оилани барпо этишда аёлларнинг етакчи ролли», «Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш — оилалар мустақамлиги гарови», «Қишлоқ шароитида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва улар учун янги иш ўринларини яратиш — оилалар моддий таъминотининг муҳим омилли», «Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантиришда жойлардаги «Адолат» СДП бошланғич ташкилотлари олдида турган муҳим вазиफलари ва уларни ҳал этиш йўллари», «Қишлоқ аёлларининг ўзига хос муаммоларини ҳал этишда «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгашининг тутган ўрни», «Аёл ва сиёсат», «Хотин-қизларнинг сайловлардаги фаол иштирокини таъминлаш — давр тақозоси» мавзуларида жойларда ўтказилган кўплаб тадбирлар иштирокчиларга ўз дол-

зарблиги билан манзур бўлди, уларда катта таассуротлар қолдирди.

— «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида Сиёсий Кенгаш ва «Аёллар қаноти» Кенгаши ташаббуси билан партияга аъзо аёллар ўртасида «Туркистон» санъат саройида ўтказилган «Оқила аёл — мустақам оила яратувчиси» кўрик-танловининг якуний босқичини ҳам ҳали кўнчилиқ унутгани йўқ.

— Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ғояларини амалга ошириш учун курашаётган партияимиз учун бу аслида муҳим воқеа бўлди. Низомда белгиланганидек, танлов худудий партия ташкилотларида фаолият юритаётган, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлаётган аёлларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш, партия сафларидаги оқила ва фаол аёллар сонини кўпайтириш, худудий партия ташкилотларидаги «Аёллар қаноти» Кенгашлари ўртасида ўзаро рақобат муҳитини қарор топтириш, ривожлантириш, рағбатлантириб бориш, салоҳиятини ошириш, партия Сайлов олди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга аёлларни кенг жалб этиш, уларда лидерлик хусусиятларини шакллантиришга ёрдам берди. Кўрик-танловда турли ёшдаги, ҳар хил касб ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 600 нафардан ортик хотин-қизлар иштирок этади. Унинг барча босқичи очик, ошқор, адолат мезонлари асосида ўтказилишига эришилди. Танлов ҳақида маҳаллий матбуот саҳифаларида, телевидение, «Адолат» газетаси ва партиянинг веб-сайтида етарлича ёритилди. Якуний босқичда партия «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зўра Ботирова бошчилигидаги ҳакамлар қайрати ҳар бир иштирокчининг чиқишларини талабчанлик билан баҳолади. Барча шартлар буйича голиблик Тошкентдаги «Эко-мувоза-

нат» газетаси бош муҳаррири Насиба Ғофуровага насиб этади. Танловда сирдардарлик Озода Эгамбердиева иккинчи, қоракалпоғистонлик Мунаввар Қобулова эса учинчи ўринни эгаллади. Бу тадбир партия сафларидаги ўз касбининг иқтидорли мутахассиси бўлган фидойи, фаол хотин-қизларни, оқила аёлларни аниқлашга ёрдам берди. Сиёсий Кенгаш Ижроия Кўмитаси эндиликда партия «Аёллар қаноти» Кенгаши фаолиятини янада кучайтиришга ёрдам берадиган бундай тадбирларнинг услуби ва шаклини бирмунча такомиллаштиришни режалаштирмоқда.

— Кўришб турибдики, «Адолат» СДПда хотин-қизлар етакчи кучга айланиб бормоқда. Партия ҳаётининг қайси бир қайноқ нуқтасига қараман, унда аёлларнинг ҳам фаол иштирокини кўрасиз.

— Бу табиий ҳол албатта. Истиклол шарофати билан ўзбек аёли ўз ўрнига, мавқеига эга бўлди. У оилада оқила уй бекаси, турмуш ўртоғининг вафодор ёри, фарзандларининг меҳрибон онашониси, ишончасида эса салоҳиятини олишириш, партия Сайлов олди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга аёлларни кенг жалб этиш, уларда лидерлик хусусиятларини шакллантиришга ёрдам берди. Кўрик-танловда турли ёшдаги, ҳар хил касб ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 600 нафардан ортик хотин-қизлар иштирок этади. Унинг барча босқичи очик, ошқор, адолат мезонлари асосида ўтказилишига эришилди. Танлов ҳақида маҳаллий матбуот саҳифаларида, телевидение, «Адолат» газетаси ва партиянинг веб-сайтида етарлича ёритилди. Якуний босқичда партия «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зўра Ботирова бошчилигидаги ҳакамлар қайрати ҳар бир иштирокчининг чиқишларини талабчанлик билан баҳолади. Барча шартлар буйича голиблик Тошкентдаги «Эко-мувоза-

Рустам АХМАДАЛИЕВ суҳбатлашди

# Эътибор самараси

**Тиббиёт**

Ўзбекистон Республикаси Онкология илмий маркази бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча онкология диспансерларининг етакчи муассасаси сифатида иш олиб бормоқда. Бу ерда онкологик касалликларга чалинган беморларга малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида тезкор хизмат кўрсатилиб, сифатли даволаш муолажалари олиб борилади. Қолаверса, вилоятлардаги диспансерларда бошланғич муолажаларни олган ва кейинги босқич муолажаларига тавсия этилган беморлар ушбу масканда энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида даволанадилар.

Онкология илмий марказида ҳозирги кунда йилига ўртача 20 000 беморга хизмат кўрсатилмоқда ва кунига 20 га яқин жаррохлик операциялари ўтказилади. Жаррохлик операцияларидан ташқари бу ерда беморларни кимевий терапия

ҳамда нур терапияси орқали даволаш ишлари ҳам олиб борилади. Илмий марказда қарийб 1000 нафар тиббиёт мутахассислари фаолият юритмоқда. Шулардан 762 таси бевосита клиника ходимлари бўлиб, уларнинг 126 на-

фари шифокорлардир. Шифокорлар жамоасига 17 нафар тиббиёт фанлари доктори бошчилик қилади ва 46 та тиббиёт фанлари номзодлари муолажаларни юқори савияда ташкил этиш ишларини ўз зиммаларига олишган. Шифокорларнинг 20-30 фоизи олий тоифали бўлиб, онкология клиникасига шифо излаб келган беморларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳамisha тайёр. Республика Онкология марказидаги барча илмий ходимлар ва мутахассислар ҳар 5 йилда ўз малакаларини оширади. Малака ошириш институтида тиббиёт ходимлари ўзлари учун махсус белгиланган 244 соатлик ўқув-амалий курсларини ўтайдилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг тиббиёт йўналишидаги орттирган билимларини янада мустақамлаш, амалиётда уларни қўллаш ва янги замонавий технологияларнинг илғор ютуқлари билан танишиш имконини беради.

... юртимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўзбек модели сифатида тан олинди, уни Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этгани ҳар қандай кишида чексиз фахр туйғусини уйғотади. Кўриниб турибдики, ҳар қандай соҳага кўрсатилган эътибор ўз самарасини бермай қолмайди.

— Бугунги кунда республикамиз буйича қарийб 96 000 нафар бемор бизнинг назоратимиз остида, — дейди Онкология илмий маркази бош шифокори Дониёр Қосимов. — Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, таълим ва тиббиёт соҳасига йўналтирилаётган маблағлар йил сайин ортиб бораётгани, бу эса халқаро экспортлар томонидан ижобий баҳоланаётгани биз шифокорларни бениҳоя қувонтирди. Шу ўринда бир нарсга алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Юртбошимизнинг тиббиёт соҳасига бераётган доимий эътибори натижасида нафақат пойтахтимизда, балки бутун рес-

публика миқёсида кўплаб янги тиббиёт муассасалари қуриб фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, бизнинг илмий марказимизга бюджет маблағлари ҳисобидан 2012 йилнинг ўзида 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Ҳомийлар ҳисобидан эса 382 миллион сўмга тенг моддий ёрдам клиникамизга топширилди. Ушбу маблағларнинг барчаси беморларимиз соғлигини тиклаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва бир сўз билан айтганда халқимиз саломатлиги йўлида сарфланди.

Онкология илмий марказининг тиббиёт ходимлари 2012 йил давомида Франция, Жанубий Корея, Туркия, Россия ва Япония каби дунёнинг турли давлатларидаги клиникаларида илмий-амалий семинарлар, анжуманлар ва жаррохлик операцияларида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириб қайтган мутахассисларимиз бугун ўз тажрибалари билан республикамизда тиббиёт соҳасининг жаррохлик йўналишини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Дарҳақиқат, юртимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўзбек модели сифатида тан олинди, уни Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этгани ҳар қандай кишида чексиз фахр туйғусини уйғотади. Кўриниб турибдики, ҳар қандай соҳага кўрсатилган эътибор ўз самарасини бермай қолмайди.

Фазилдин РАҲИМОВ, Хусан АСРОПОВ (фото)

## Бойсунга тезюрар сайёҳлик поезди боради

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК 2013 йилда Буюк Ипак йўли йўналиши буйича тезюрар сайёҳлик поездини йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда UzDaily хабар бермоқда.



«Ўзтемирийўлйўловчи» ОАЖ Сайёҳлик, реклама ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги бошлиғи Фозил Шариповнинг сўзларига кўра, сайёҳлик поезди махсус ишлаб чиқилган жадвал буйича ҳаракатланади. Унинг айтишича, сайёҳлик поезди «люкс» класс талабларига жавоб беради, купеларда ювиниш кабиналари ва телевидение бўлади.

Поезд ўз барига 60-70 йўловчини сиғдиради, йўналишини эса 10-15 кунда босиб ўтиши режалаштирилмоқда. Поезд Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидан ўтишидан ташқари, Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига ҳам боради.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2012 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси 17,2 миллион йўловчи, 62 миллион тонна юк ташиди. Компания йил давомида 290,9 миллион долларлик экспорт хизматларини кўрсатган.



# Қоидабузар пиёдалардан

**Ҳаракат хавфсизлиги учун**

Сўнги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласида қатор самарали тадбирлар амалга оширилганлиги ва кўчаларда хавфсизликни таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳолини яхшилаш ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг қўламда тарғиб қилиш мақсадида амалдаги айрим қонун ва қоидаларга ўзгартишлар киритилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги қонун жорий йилнинг 4 январидан расман кучга кирди.

Биз ушбу қонуннинг моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартишлар ҳақида фикр билдиришни сўраб Республика ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиевга мурожаат қилдик.


— *Холматжон Аҳмедович, аввало янги қабул қилинган қонун тўғрисида мухтасар маълумот берсангиз.*

— Мамлакат иқтисодиётининг юксалиши ва ҳалқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга қaratилган саясий ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамиз автомобиль саноатининг ривожланиши, транспорт воситаларининг кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир. Гувоҳи бўлаётганимиздек, динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган замонавий транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкни ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг юзасига келиши шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкид қилади. Шу нуқтага назардан йўл ҳаракати иштирокчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этишда масъулиятини ошириш, қонунларга итот ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш асосий мақсад бўларкан мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кун талабидир.

Амалга оширилаётган иш-хотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тизимни янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларимизга, айниқса ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳам излашлар олиб бораёلمиз. Жумладан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси»га 2006, 2007, 2008 ва 2011 йилларда киритилган бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар ўзининг ижобий самарасини бериб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига олиб келди. Қабул қилинган янги қонун ҳам ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283, 287, 291-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Чунинчи, 283-моддада йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан фақатгина кодекснинг 138-моддаси 1, 2, 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилмас-



**жойида жарима ундирилади**

лиги, уларга жойида жарима қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Кодексга киритилган ўзгартиришлар ДИХХХ ҳодимларининг фақат қонда бузувчи пиёдалардан жарима ундириш ҳуқуқини қолдирди. Ушбу механизмнинг зарурияти пиёдаларга солинган жаримани ўз вақтида ундиришни таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиқди (амалиётда, кўп ҳолларда пиёдалар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи билан олиб юрмайдилар).

Шунингдек, ушбу ўзгариш ИИБ ДИХХХ ҳодимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга жойида жарима солиш имкониятини чеклашни назарда тутди.

Кодекснинг 287-моддасида ички ишлар идоралари ҳодимларига янги киритилган 176-модда (Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш)да назарда тутилган қоидабузарлик учун ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколат берилди.

Шу билан бирга, қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан белгиланиши қонун ҳужжати билан мустаҳкамлаб қўйилди.

— *Пиёдалардан жойида жарима ундириш механизми қандай олиб борилади?*

— ИПХ ҳодимлари қоидабузарлик содир этган пиёдалини тўхтаётган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўриб, содир этган қоидабузарлигини тушунтиргандан кейингина уни

жаримага тортади. Жарима имкон даражасида жойида ундирилади. Ҳуқуқбузар пиёдалини бузган ҳайдовчиларга жойида жарима солиш имконияти булмаса ёки ҳуқуқбузарлик фактини инкор қилган ҳолатларда унинг шахси ўрнатилган тартибда аниқлангандан сўнг маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда жарималарни ундириш мақсадида маъмурий амалиёт инспекторлари билан сафдаги ИПХ тузилмаларининг ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Шунга кўра транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, рўйхатга олиш, қайта рўйхатлаш вақтида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузгани аниқлаш ҳолати бўйича жаримани тўлаганиликлари маъмурий амалиёт бўйича юриштирилган маълумотлар базасидан текшириб борилади.

— *Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузган барча транспорт воситалари эвакуаторлар ёрдамида олиб кетиладими?*

— Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланган ҳолатларда фақатгина «Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидалари»ни бузган транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берган ҳолдагина транспорт воситаси мажбурий эвакуация қилинади. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш

тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилади.

— *Юқорида ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати тўғрисида гапирдингиз, шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.*

— Қоидабузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган маъмурий орган (мансабдор шахс)лар томонидангина амалга оширилиши мумкин. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортик давом этиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан йўналишсиз таксилар алоҳида жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Ҳўш бу талаблар нималардан иборат? Биринчи навбатда шуни таъкидлаш жоизки, йўналишсиз таксилар фаолияти билан шуғулланган надиған автотранспорт воситасининг тепасига ўрнатилган сариқ рангли фонарга «ТАХ!» ёзуви таниқлик белгиси ўрнатилиши ва автотранспорт воситасининг олди эшикларига «Т» харфи ва шахмат тартибда жойлаштирилган қора квадратлар композицияси ва йўловчи ташувчи корхонанинг номи ёзилган бўлиши керак. Янги қонунга асосан таниқлик белгиси бўлмаган таксиларга нисбатан маъмурий чора кўрилади.

Йўналишсиз, бу ўзгариш ва янгиликлар ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга ошираётган ишларимизни янада яхшилашга, энг асосийи эса, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга хизмат қилади.

Сўхбатдош: **Ғулом ХИДИРОВ**, «Adolat» муҳбири

Ҳозирги кунда республикамизда иқтисодий соҳасидаги жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб борилмоқда. Соҳадаги жиноятчиликка қарши курашга қаратилган эътиборнинг кучайиши ўз навбатида бугунги кунда тадбиркорларга катта далда бермоқда ва шу билан бирга юртимизда иқтисодийнинг ўсишига замин ҳозирламоқда десак муболаға бўлмайди. Давлат органларининг ижтимоий ишларни бошқаришдаги роли объектив равишда ошиб бораётгани эса тадбиркорларимизга қанот бағишлаётир.

## Ноқонуний ўзлаштириш

**ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти**

Бугунги кунда иқтисодий соҳасидаги жиноятчиликни, айниқса унинг ўзлаштириш ёки растрата шаклини чуқур ўрганиш жуда долзарб бўлиб, бу ана шу ҳодисанинг моҳиятини, унга хос белгиларни аниқлашни, республикада иқтисодий соҳасида жиноятчилик пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишига имконият туғдирувчи ҳолатларни ҳар томонлама тадқиқ этиш, шу билан бир қаторда истиқболга оид муайян режаларни ишлаб чиқиш лозимлигини назарда тутиши аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддасида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти тушунчаси берилган. Унга кўра, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг иштирокида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш талон-тарож ҳисобланади, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёқуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилишда ўғирланган мулк айбдорнинг ҳуқуқий қарамоғида ёки тасарруфда бўлади. У маъмур ҳолатдан фойдаланиб мол-мулкни гайриқонуний равишда ўзиники қилиб олади ёки уни бошқалар фойдасига ўтказиши.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятнинг объекти айбдорга ишониб топширилган ёки унинг иштирокида бўлган ўзганинг мулк ҳисобланади.

Авалло растрата ўзи нима деган саволга жавоб берадиган бўлсак, бунда қонунга хилоф равишда ўзганинг мулкни сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳадя қилиш ва бошқа йўллар билан бегоналаштириш тушунади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, давлат ва жамият маъбуд экан, табиийки, жиноятчиликнинг иқтисодий соҳасидаги қўриқчилари ҳам маъбуд бўлади. Аммо ҳар қандай ҳаракат ва уринишларга қарамай, инсонлар орасидаги ёвузлик ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш бораҳам бериш шу билан бир қаторда жиноятчиликни ҳам маълум даражада камайтириш, тўхташ ёки чеклаш мумкин. Жамиятнинг ривожланиш даражаси, иқтисод тармоқларининг кенгайиши ва янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши билан бирга давр талабларидан келиб чиқиб одамлар турмуш тарзига кенг кириб боруви, қатъий чораларни белгиловчи қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга сўзсиз амал қилинишида назорат-таҳлил ишлари олиб борилиши олдимизда турган бош вазирлардан.

**Мўминжон ЖАЛИЛОВ**, НамДУ юриспруденсия ташлими йўналиши талабаси

## Тилла «жомадон»

**Божхона бекати**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ республикамиздан тилла ва заргарлик буюмларини экспорт қилиш фақатгина Вазирилар Маҳкамаси кўрсатмасига асосан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан тилла ва заргарлик буюмларини юртимиз сарҳадлари орқали қонуний олиб ўтишга уринаётган кимсалар ҳам учраб турибди. Яқинда «Тошкент-Аэро» иқтисодлаштирилган божхона комплекси ҳодимлари томонидан божхона қоидабузилишлари ва контрабандага қарши курашишда янги замонавий ахборот-технологияларидан, хусусан, назорат-рентген аппаратларидан умули фойдаланиш натижасида йирик миқдордаги тилла буюмларнинг ноқонуний олиб чиқишига нуқта қўйилди.

«Тошкент-Истамбул» рейси бўйича парвозга шайланган пойтахтлик О.Сайидносировнинг безовталаниши божхоначиларда беҳижга шубҳа уйғотмаган экан. Одатдагидек, унга тегишли қўл қисми назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, монитордаги тасвирларнинг шубҳали тус олиши божхоначиларни жомадон тутқичларини ҳам синчиклаб кузатишга ундирди. Амалдаги тартибларга мувофиқ ва ҳолислар иштирокида тутқичлар очиб кўрилганда, уларнинг орасига моҳирлик билан қўйма тиллар жойлаштирилгани фош қилинди.

Аммо дастлабки суриштирувларга кўра, божхона баённомасида ва оғзаси суриштирувлар пайтида маълум қилинган оғирлиги 2,3 килограммдан ортик қўйма тилларнинг қардан пайдо бўлиб қолганини оғзаси — О.Сайидносиров ўзини гўёки билмаганга солди.

Ҳудди шу божхона рўқач қилган яна бир фуқаро — Утепа туманида истиқомат қилувчи Б.Жўраев ҳам Туркияга парвози олдида жомадоннинг кўз ил-



ғамас қисмларига жойлаштирилган 5,2 килограммдан ортик қўйма тилларни кўриб, гўёки хайратга тушди. Унинг ҳамроҳи М.Илҳомовнинг баҳонаси эса сал бошқачароқ тус олди. У ўзига нотаниш бўлган кимсанинг илтимосини рад қила олмай, унинг жомадонини Истамбулга етказишни зиммасига олибди. Қарангки, бу аёлка назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, монитордаги тасвирларнинг шубҳали тус олиши божхоначиларни жомадон тутқичларини ҳам синчиклаб кузатишга ундирди. Амалдаги тартибларга мувофиқ ва ҳолислар иштирокида тутқичлар очиб кўрилганда, уларнинг орасига моҳирлик билан қўйма тиллар жойлаштирилгани фош қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вақиллари билан ҳамкорликда аниқланган 371 та қонунбузарлик ҳолатларида салкам 34 килограмм тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**«Тошкент-Аэро» ИБК** ахборот хизмати

## Ҳам пул тўлади, ҳам ҳаёти хавф остида қолди...

**Истеъмолчи ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида**

Муҳаммаджон Мамадалиев пойтахтимизнинг Сирғали иқтисослаган эҳтиёт қисмлар бозоридан ўзининг «Ласетти» русумли автомашинасига керакли эҳтиёт қисмларни харид қилиб, Зангиота тумани ҳудудидаги «Тилла лотос» МЧЖга қарашли автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш шохобчасига келди. Бу ерда уста Атхам Маҳмудов автомашинанинг 4 та тормоз колодкасини алмаштириб берди. Муҳаммаджон «тайёр» ишорасини олгач, устахонадан чиққан, дея қайрилган жойида қўққисдан тормоз ишламай қолиб, машина қўшни 51-сонли АЁҚШ деворига урилди. Девор оғдарилиб, машинага жиддий шикаст етди. Ушбу шохобча смена бошлиғи эса ағдарилган деворни тиклаб беришни талаб қила бошлади.

М.Мамадалиев дарҳол машинасига хизмат кўрсатган устага учрашди, аммо бирон-бир натижа бўлмади. Миҳоз қанча уринмасин, устахона раҳбарини учрата олмади. АЁҚШ девори эса истеъмолчи хисобидан 200 минг сўмга тикланди, автомашинани таъмирлаш учун яна 600 минг сўм. Булар-

нинг барчасига кетган вақт билин асабузарликларни айтмай-қимми?

Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига тушган мурожаат мутахассислар томонидан ўрганилиб, ҳақиқатан ҳам истеъмолчи сифатсиз хизмат



кўрсатилиши натижасида ушбу ҳолат юзасига келгани аниқланди. Яъни уста А.Маҳмудов эҳтиёт қисмларни алмаштириб берганидан сўнг тормозини синаб кўрмадан машинани хайдашга рухсат берган. Аммо «Тилла лотос» МЧЖ мутахассислари ушбу ҳолатга мутлақо алоқалари йўқлигини айтиб туриб олишди.

Охир-оқибат мазкур фуқаро-

лик иши Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судида қўриб чиқилди. Ўтказилган суд мажлисида масала янада ойдинлашди. «Тилла лотос» МЧЖ раҳбари Т.Нурматовдан жамиятга тегишли ҳудуддан «Кўктош Бизнес сервис» хусусий фирмасига жой берилганлиги ҳақида маълумот олинди. Энди масала бирмунча ойдинлашгандек бўлди. Икки ўртада тузилган ижара шартномасининг 4.4.1 бандида «ижарага берувчи» «ижарачи» ва мижозлар орасидаги бўладиган муносабат ва улар ўртасидаги ҳар қандай низоларга нисбатан ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, деб, шартноманинг 4.5 бандида эса «ижарага олувчи» қатъиян ўз мижози олдидаги барча жавобгарликни ўз зиммасига олади, деб кўрсатилганлиги сабабли М.Мамадалиевнинг автомашинасига етказилган зарар ушбу фирма томонидан қопланадиган бўлди. Ажабланирлиси, ушбу фирма туман ДСИдан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ҳам ўтмай фаолият олиб бораётган экан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-

Умид МАНСУРОВА

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Муҳаммад Али:

«Навоий ижодининг асоси — инсонни улуғлаш ва адолат»

Давома. Боши 1-бетда

— Шерият мулкнинг султони, давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий неча асрдирки, буюк даҳо сифатида намоён бўлиб келмоқда. У зот яратган асарлар барҳаёлигининг сирини нимада?  
— Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги нишонланаётган 1966 йилда «Литературная газета» саҳифаларида шоир асарлари эълон қилинишидан олдин ёзилган кириш сўзида «жаҳон адабиёти хали Алишер Навоий сингари шоирни кўрмаган эди», дея эътироф этилган. Ушанда кўнглимдан, газета бошқароқ, яъни жаҳон адабиёти Алишер Навоийдан кейин ҳам бундай шоирни кўрмади, деб ёзса адолатдан бўлар эди, деган сўзлар келди.

Ха, Алишер Навоий бобомиз ўзбек халқининг шон-шарафлари, ғурури ва ифтихориридир, у дунё адабиётида ўзининг юксак макомига эга. Мутафаккир шоирнинг дилбар ва пурҳикмат ғазаллари, жаҳоншумул дostonлари, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва илму маърифатнинг турли соҳаларига бағишланган асарлари ҳанузгача юртимизда ҳам, хорижда ҳам навоийшунос олимлар томонидан ўқиб-ўрганилмоқда, тарғиб ва ташвиқ қилинмоқда. Шоир асарлари ниҳоятда турмузмун ва теран, ҳар бир китобхон уларни мутолаа қилар экан, ундан ўзининг дунёқарашини, фикрлаш дунёси, билим савиясини қай даражада эканлигига қараб, ўзига хос хулосалар чиқаради, инсоний ибратлар олади.

Шарқ мумтоз адабиётида ижод қилган шоирларнинг самовий ва заминий муҳаббат куйчилари сифатида таърифлайдилар. Биринчисини тасавуф шоирлари ёки сўфий шоирлар деб атаймиз. Улар Ҳақ-Худого бўлган ишқнинг тараннум этидалар, «осмондан нагтага тушилар» келмайдилар. Иккинчи хил шоирлар борки, уларнинг ижоди заминий муҳаббат туйғулари билан йўрилган бўлади. Улар инсонлар ҳаётини қаламга оладилар. Алишер Навоий асарларида бир пайтнинг ўзига ҳам сўфийлик, яъни самовий туйғулар ифодаси билан бирга, ҳам заминий — инсоний ташвишлар нафаси фузурли туради. У зот, мустақар айтсақ, ҳар икки юксакликни бир-бирига қўша олган кудратли шоирдир.

Кенг омма ўртасида Навоийнинг тилини тушуниш мураккаб деган баҳсли тушуна айланиб юради. Шоир асарлари мураккаблиги асарларнинг ижодий салмоғи катталиги, улардаги бадий юқиниғ залвору, фикрлар микёсининг кенги ва улканлиги сабаблидир. Шоирнинг асарларини тушуниш учун ўқувчидан билим, диққат-эътибор ҳамда сабр талаб этилади. Навоий мутолааси, одатдагидек, шунчаки китоб ўқиш эмас, балки жидаий меҳнат қилиш демакдир. ўқувчи уни тушуниши учун меҳнат қилиши керак.

Навоий она тили бойлигини кўрсатиб бериш учун «Муҳокамат ул-луғатайн» рисоласини ёзади, унда ўзбек (туркий) ва форс тилларини бир-бирига қиёслаб, жуда кўп мисоллар келтириб, тилимизнинг улуғлигини намоён этади. «Мезонул авзон» (Вазнлар тарозиси) рисолаеси эса шеър илмига бағишланган. «Муншаот» нома жанридаги рисоладири. «Маъжис ул-нафоис» шоирлар, зиёлилар ҳаёти ва ижодиға бағишланган биобиографияфик асардир. «Насойим ул-муҳаббат» тасавуф аҳлиға бағишланган илмий-маърифий романдек ўқилади. «Тарихи ҳукамо ва анбий», «Тарихи мулуки Ахам» асарлари эса олис тарих қатларидан ҳикоя қилади. «Холоти Паҳлавони Мухаммад», «Холоти Хасан Ардашер», «Хамсат ул-мутаҳайирин» ёдномалари замондошлар ҳаётидан сўзлайди. Уларни ўқиби, шоир замонидаги маданий-маърифий муҳит ҳақида тасавуруга эга бўлиш мумкин. «Маҳбул ул-қулуб» эса донишмандлик китобидир.

Мен фақат насрода ёзилган асарлар

рини мисолға келтирдим. Бунга шоирнинг ун олтн жанрда қалам тебратгани, ғазал, муҳаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, қитъа ва ҳоказо жанрларда ажойиб шеърий намуналар, олтида дoston, бешта девон — (агар иккита ёшлик девони қўшилидиган бўлса, еттита девон) шундан биттаси форсийдир, — яратганини ҳисобға олсак, Навоийнинг нечоғлик буюк санъаткор бўлганини кўраимиз ва Заҳириддин Мухаммад Бобур унинг ҳақида «Бобурнома»да «кўб ва хўб ёзган» деб таъкидлаганини бежиз эсламаймиз. Ха, шоир она тилимизда адабиётнинг барча жанрларида асарлар ёзиш мумкинлигини, тилимизнинг имкониятлари шунга мувофиқ, мавжуд эканлигини дунёға кўз-кўз қилди.

— Республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарлари бош кўчалари, диққатга сазовор идора ва таъхиломларнинг мутафаккир номи билан аталлиши, шоир ижоди ва ҳаёти хотирасини абадийлаштириш учун ҳукуматимиз томонидан қилинаётган кенг қўламини ишларининг бир қисмидир. Бироқ шоирнинг асарларини ёшларнинг билиши даражаси кўнглидагидекмикан? Ёшларимизға унинг асарларини чўқурроқ ўргатиш учун яна қандай ишлар олиб борилиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Албатта, ўрта таълим мактаблари, олий таълим муассасаларида Алишер Навоийни ўргатиш тизими яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир ўқувчи ёки талаба унинг ижоди билан яқиндан танишиб келмоқда. Бироқ истардиқки, Навоий ва унинг ижодини нафақат таълим бериш даргоҳларида ёдға олиш, балки давлат таъхиломлари ва идоралари, маҳаллалар ва фермер хўжалиқлари, болалар боғчалари, шифохоналарда ҳам навоийхонлик кўнларини ўтказиш мақсадға мувофиқдир. Мутафаккир шоирнинг барча асарлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўқувчиларнинг қизиқиши, дунёқарашини ва тафаккуриға тўла мос келади. Хусусан, «Хазойин ул-маоний» девонида инсоний умри ва руҳиятидаги ҳар бир давр манзараларини санъаткорона ёритади, «Хамса»ға кирган шох асарлари — «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларида чинакам инсоний ишқ-муҳаббатни улуғлайди, «Хайратул аброр», «Сабаъи сайёр», «Салди Искандарий» дostonларида эса инсон ўрнат олса бўладиган фазилатларға эга пок эътиқодли инсонларнинг ёркин сиймолари чизилди, уларнинг жўшқин ва ташвишли ҳаёти тасвирланади ва ҳоказо. Хуллас, буюк бобомиз ижод қилмаган бирон бир мавзу, жанр ва соҳа йўқ, десак муболаға бўлмайди.

— Навоий бадий ижодда қанчалик тенгсиз шоир бўлса, илмда, ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам шунчалик беъизир сийбаси эди. Унинг давлат арбоби сифатида билдирган, айниқса адолатли сийбат ҳақидаги ижтимоий-фалсафий фикрлари давр ва замон талламийди, дейиладди.

— Алишер Навоий узоқ йиллар Султон Хусайн Бойқаро салтанатида юқори лавозимларда ишлаб, сийбат ва раёсатда, бошқарув ишларида обдон таҷриба орттириди, кўп ҳолларда зулм ва бедодликларнинг олддини олишға муяссар бўлди. Навоийнинг доно насихатлари, амалий тадбирлари туфайли Султон Хусайн Бойқаро подшоҳлиғида барқарорлик ҳўкм суриб, илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланди, ободончилик ишлари амалға оширилди. Бу ҳаётий таҷрибалар мутафаккир бобомизнинг давлат арбоби сифатидаги қарашларида акс этган.

Султон Хусайн Бойқаронинг ўғиллари ўртасида юзаға келган зиддиятли ҳолатларда, чунончи, тўнғич шаҳзода — Бадиуззамон Мирзо тахт ва юрт вориеси бўлиш ниятида отасиға муҳолиф қилиб, кўнглисизликлар рўй берганида айнан Алишер Навоий бу бесаранжомликларни бартараф этишға эришади. Шундан сўнг, Ироқ ва Курдиси



тон ҳўкмилимизға тайинланган шаҳзода давлатни қандай бошқаришига оид йўл-йўриқларни айтади, мамлакатни адолат асосида бошқариш ҳўсусидаги маслаҳатларини аямайди.

— Навоийға эркин ижод қилиши учун етарли шарт-шароит яратиб берган Темирийлар авлоди ҳўсбонлиғи Султон Хусайн Бойқаро ҳақида, айниқса шўро даврида турлича қарашлар мавжуд эди. Баъзилар Бойқаро зolim дейишса, яна бошқалар унинг адолатли шох бўлганини таъкидлашган. Темирийлар тарихини чўқур ўрганган шох сифатида Сиз бу ҳақида нима дея олсиз?

— Тўғри, шўролар даврида Султон Хусайн Бойқаро шахсияти ҳақида гап кетганда, у зolim ва адолатсиз шох бўлган, деган сунъий қарашлар ҳўкм рон эди. Бу, подшо бўлса, у ёмон одам бўлади, деган тушуноқдан келиб чиққан. Аслида эса Султон Хусайн Бойқаро салтанат бошқаришда Амир Темур анъаналарини давом эттирган давр силсилада ярақлаб кўзға ташланган ҳўкмдорлардан бири. Темирийларнинг асл авлоди сифатида мамлакатни адолат билан бошқариб, асосий диққат-эътиборни меъморчилик ва маънавий-маърифат масалаларига қаратганини Алишер Навоийнинг асарларидан ҳам билиб олса бўлади. Аввало, у «Хусайний» тахаллусини қўлаб ижод қилган катта салохиятли шоир эди, ундан девон ва «Рисола» номли китоб қолган. Иккинчидан, Алишер Навоийнинг юксак мақомға кўтарилишида Султон Хусайн Бойқаронинг хизмати катталигини тан олмасдан бўлмайди. Айни пайтда подшо бошқарётган давлатнинг гуллаб-яшнашида ҳам мутафаккир шоирнинг ўрни беқиёс. Тарихимизнинг ушбу маърифатпарвар мўтабар сиймолари туфайли ўша даврда темирийлар салтанатининг яқилтириғ сақлаб қолинди.

Алишер Навоий ҳаммша Султон Хусайн Бойқаронинг руҳий мададини сезиб турган. Шоирнинг ўзи бу ҳақида «Хазойин ул-маоний» дебчасида шундай эътироф этади: «Султони соҳибқироннинг ҳиммат юзидин ихтимомию саъй ғоятидин таълими бардавоми бўлмаса, мундоқ душвор иш(яъни) «Хазойин ул-маоний», умуман олганда эса, бутун ижод) илғари бормоғи мутаассир, балки ҳаёлимға кечурмағи мутааззирдур...».

Шоир ўз миннатдорчилигини яна бир жойда, яъни, илк ёшлик девонини «Бадойъ ул-бидоя» дебчасида изҳор айлаб, Султон Хусайн Бойқарони жуда чиройли васф этади. Эътибор берино:

**Шаҳкнм, васфи юз минг йил тутанмас, деса юз минг тил, Бу айтаюқ кардин дамн, яна ҳар бирин юз минг йил. Кн юз мингдин бири энкр ўлмағай, энкр ўлса юз минг қарн, Бу юз минг қардин ҳамн бўлса ҳар бир лаҳза юз минг йил... — Алишер Навоийнинг сиз учун энг севимли бўлган ижод намуналари қайсилар ва нима учун айнан шу асарларини севиб мутолаа қиласиз?**

— Алишер Навоийнинг ҳамма асарлари ҳам мен учун севимли. Чунки улар бир-бириға ўшаманган ижод дурдоналаридир. Ҳар бирининг берадиган завқи, руҳий озиги бошқа...

Биласизми, адабиётимизда миллатимизни илк бор ким «ўзбегим» сўзи билан ардоқлаган? Бу, албатта, Алишер Навоийдир! Сухбатимизни мутафаккир шоирнинг бизларға қувонч бағишлайдиган ушбу байти билан якунласак айни мударо бўлади, деб ўйлайман:

**Шоҳу тожу хильатиким, мен тамошо қилгаан Ўзбаким бошида қалопо, эғнида ширдон бас...**

Саодат ЖАББОРОВА сўхбатлашди

Улуғ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, инсониятни эзгулик ва яратувчанликка, ўзаро иноқиттифоқ бўлиб яшашға, ўзидан яхши амаллар қолдиришға даъват этиб келаетган ўлмас асарларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим маънавий заруратларидан бири ҳисобланади. Зеро, Навоийни англаш ўзлиқни англаш, бу ёруғ оламда умргузаронлик қилишнинг маъно-моҳиятиға яқинлашиш демакдир.

Навоийни англаш ўзлиқни англаш демакдир

Неча асрларки, ғазал мулкнинг султони битган шох асарлар турли тилларда ва турли даражада шарҳланиб, изоҳланиб келади, улардаги ўлмас, умрбоқий ғоялар одамларни ўзига мафтун этади ва ҳар гал Навоий сатрларига сингган маънолар янғича қўламанда намоён бўлади.

Таниқли адабиётшунос олим, профессор Наҳмиддин Комилловнинг ўтган йили «Тамаддун» нашриётида чоп этилган «Маънолар оламиға сафар» китоби Алишер Навоий ғазалларига ёзилган махсус шарҳлардан тузилган бўлиб, уларда муаллиф улуғ аллома ғазалларидаги фалсафа, ташбеҳ ва тимсолларға қалб кўзи билан нигоҳ ташлайди, ўқувчини ҳар бир мисрадаги турмуш ҳикматлар моҳияти билан таништиради.

Ушбу ноёб тадқиқотнинг қимматли яна бир жиҳати шундаки, унда Навоий асарларида ишлатилган, бугунги ўқувчининг тушуниши қийин бўлган сўз ва ибораларнинг изохли луғати, байтларнинг насрий баёни ҳамда ғазалларнинг умумий мазмуномаъноси, бадий хўсусиятлари тўғрисидаги мулохазалар ҳам беришган.

Китоб муаллифи Навоийни тушунишда ўқувчиға яқиндан ёрдан беради: «Ғазалдаги маъноларни тушуниш билан бирға ғазални ўз ваэни-оханги билан ўқиш, талаффуз этиш ҳам муҳим. Аслини олганда, ғазални тушуниш, «ундаги сатрларни тўғри ўқиш» амри махол, шу каби ҳар бир ғазал ўз ваэни билан ўқилмаса, ундаги маънолар ёркин ва таъсирчан чикмайди. Воқеан, ғазал — бу мусиқа, шу боис ундаги сўз ва иборалар ҳам нозик, нафис, дилрабо. Битта сўзгина эмас, битта товуш ёки қўшимча нотўғри талаффуз этилса, охангиға тўшмаса, бутун асарнинг оҳори тўкилади, ғализлик ва дағаллик юз беради».

Наҳмиддин Комиллов Алишер Навоийнинг: «Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда жоно, жон эрур, Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур» деб бошланувчи ғазалини шарҳлар экан (ғазалда «жон» сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта такрорланади), шоир қалбиде ҳаммша яшанаб, барқ уриб турган ишқ-муҳаббат, вафо-садокат каби мунаввар туйғулар, муборак ғоялар, эзгу орзу-ниятларға ўқувчи эътиборини қаратади: «Жоннинг доимий суратда жононға талпиниши, висолға ташналигини инсоннинг ўз идеалиға, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг қўрақ, нурафшонлиғи билан жононға бўлган Дўст сари интилиши, деб биланмоқ керак. Дўст — кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-имон тимоли, мукамал инсон ҳам, одамзот ҳеч қачон тўймайдиган Ҳаёт ҳам, эзгулик, адолат, ва ҳақиқат ёки Худо ҳамдир. Яхши инсонни севнш — ҳаётини севнш, ҳаётини севнш — ҳақиқатни, Ҳақиқ севиш демак. Буюк Навоий ҳаёлотиде этилган жонон образиде бу тушуноқларнинг бари мужассам. Шу маънода жононға бўлган муҳаббат реал турмуш, муҳитдан коникмаган, зулм ва зўрлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислиғидан озурда

кўнглининг кидирган оромгоҳи, сийнаидинган ва суйнаидинган ягона паноҳхонаси бўлганини унутмайди».

Ўтган йили «Мумтоз сўз» нашриётида чоп этилган «Маърифат фидойиси» сарлавҳали тўпламини (масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи профессор Ҳамидулла Болтабоев) ҳам Навоий ижодини тушуниш ва ўрганиш билан боғлиқ муҳим қўлламанлардан бири дейиш мумкин. Тўплам ижод умрини навоийшуносликка бағишлаган, «Шерият гавҳари», «Олам бутунлиғи», «Фасоҳат мулкнинг соҳибқирони», «Навоий шохбайтлари» каби китоблар, турқум илмий-таҳлилий мақолалари билан навоийшунослик илми ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган устоз олим, профессор Ботирхон Акрамовнинг серқирра ижодий фаолиятиға бағишланган.

«Инсон ҳаммша юксакликка интилиб яшайди, — дейлади сўзбошида. — Бу йўлда унға илм ва имон, инсонийлик ва тафаккур ҳамроҳ бўлса, у янги юксакликларни забт этишдан чарчамайди. Айниқса, бу маънавий йўлда улуғ ажодларимиз эътиқодиде таанса, уларнинг руҳи албатта қўллағусидир. Мумтоз адабиётда худди тасавуф таълимоти сингарини увайс тушунчаси бор. Унға кўра шоғирд фақат ўз замондошларидан эмас, балки ўзига фақат ўтган улуғлардан билини пир қилиши ва унға эътиқод қилиши мумкин. Агар таъбир жоиз бўлса, мавзуимиз боиси профессор Ботирхон Акрамов ҳазрат Навоийни ўзига ана шундай улуғ пири муршид сайлаганлардан бири эди. Ҳар суҳбатда, ҳар жойда — хоҳ кўчада бўлсин, хоҳ уйда ёки машғулот пайтида ва ё дўстлар зиёфатида доимо улуғ Навоий ёди билан яшашни одат қилган эдилар».

Тўпламға Ботирхон Акрамовнинг «Сўз гуҳари»нинг илохий баҳоси, «Хазрати Баҳоуддин ва Алишер Навоий», «Кўнгли чашмасидан катралар», «Муҳаббат осмонининг ёруғ юлдузи», «Шериятнинг ёруғ пайтида буржи», «Руҳиятнинг мусаввирона чизиллари» каби мақолалари, касбдошлари ва шоғирдларининг эътибор сўзлари киритилган. Узоқ йиллар миллий университетимизда ёшларға сабоқ берган, қўллаб ёшларни Навоий хазратларининг бебаҳо ижод оламиға етаклаган олимнинг ўзига хос маънавий мероси яна кўп йиллар завқ-шавқ билан ўқилиши шўбаҳасиз.

Ҳар йили олимларимиз, заҳматқаш тадқиқотчиларимизнинг самарали изланишлари боис, навоийшунослик илмида янги-янги соҳифалар пайдо бўлади, улуғ боболаримиз ижодининг янги-янги қирраларини очилади, ғазаллар шәрҳи янги талқинлар билан бойийди. Бугунги ёшлар Навоий ҳақосидан янада кўпроқ баҳраманд бўлишға интилайтганлари, ҳар бир киши ўзидан ёруғ из қолдириши лозимлиғи тўғрисидаги улуғ даъватға лаббай деб жавоб бераётганлари, айниқса қувонарлидир.

М. АҲМЕДОВ

Ғазал мулкнинг султони адабиётшунос, тилшунос, давлат ва жамоат арбоби...

Тошкент давлат юридик институтидо шарқ мумтоз адабиётининг буюк олломаси, йирик давлат арбоби, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиғиға бағишлаб «Мутафаккир ижодида обод ва фаровон турмуш ғояси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда ёш ҳуқуқшунослар маънавиятини бойитишда буюк мутафаккирларимиз ўғитларининг аҳамияти, комил инсон ғоясини талабалар онғиға сингдириш, Навоийнинг сийёсий-ҳуқуқий қарашлари, унинг ижодидаги фаровон турмуш ғоялари талқини юзасидан маърузалар тингланди.

Сўзға чикқанлар таъкидлаганларидек, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг илмий-фалсафий мероси ва ижодиёти, ҳуқуқий маърифат ҳақидаги ғоятда сермазмун ҳамда кўпқиррали таълимоти эндиликда бутун тараққийларвар инсониятнинг бойлиғи бўлиб қолди.

Унинг ўлмас асарларида ўзининг чўқур илмий ифодасини топган халқ ва Ватан, инсон ва унинг бахт-саодати, тинчлиғи ҳамда осайишталиғи ҳақидаги қимматли ғоялари умуминсониятни доимо эзгуликка даъват этмоқда. Алишер Навоий таълимоти фанқат миллий аҳамиятға эга


бўлибгина қолмасдан, умумбаршарий қимматға ҳам эгадир. Шу жиҳатдан Навоий умуминсониятға хос бўлган даҳолардан бири саналади.

Тадбирда шунингдек, XV ва XVI асрларда А.Навоий таржимай ҳолини ёритишға, асарларини қўлёзма ҳолида қўчириш ва кўпайтиришға кўпроқ аҳамият берилганини, кейинги даврларда эса шоир асарлари учун махсус луғатлар тузиш анъана тусиға кирганлиғи, Адлия вазирлиғи тизимидаги Тошкент давлат юридик институтиде ҳам мутафаккирнинг ҳуқуқий меросини илмий жиҳатдан ўрганиш борасиде амалға оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Ёш ҳуқуқшуносларнинг Навоий ижодиға бағишлаб тайёрлаган чиқишлари, адиб ғазалларидан ижро этилган қуй-қўшиқлар тадбирға янада кўтаринқилик бағишлади.

# Қишлоқ хўжалиги:

## модернизация жараёнлари аҳоли турмуш даражаси ошишига хизмат қилмоқда



### Депутат минбари

Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди. Бу даврда мамлакатимиз ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсгани, саноат ишлаб чиқариш ҳамаи 7,7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми эса 13,9 фоизга ошгани ана шундан далолат беради.

Қўлга киритилган мазкур ютуқларда, табиийки, аграр секторнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Утган йили республикамиз бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7 фоизга ошгани ёки мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,5 фоизни ташкил қилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Айтиш керакки, деҳқонларимиз, фермерларимиз ва соҳа мутахассисларининг фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқати, қолаверса, соҳа ривожига ҳукуматимизнинг юксак эътибори туфайли аграр секторда ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соҳа истикболи, кўп жиҳатдан, селекция ва уруғчилик ривожига боғлиқ. Шунинг учун селекциячи олимларимиз зиммасига янги-янги навларни яратиш ва уларни амалиётга тўлиқ жорий этишдек улкан вазифа юклатилган. Бунда «Уруғчилик тўғрисида»ги ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунилар дасуриламал бўлиб хизмат қилаёти.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йили қабул қилинган, 2002 йилда эса тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқилган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, уни давлат томонидан бошқариш ва қўллаб-қувватлаш, селекция ютуқларига патентлар, ҳуқуқий муҳофаза бериш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солиб келмоқда ва селекция ютуқларининг жон-

ли табиат объекти эканлиги, уларнинг мавжудлиги, табиий иқлим шароити билан боғлиқлиги, нобуд бўлиши, қайта тикланмаслиги сабабли уларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда селекция ютуқлари давлат мулки объектлари таркибига кирилади. Зеро, улар давлат маблағлари ҳисобидан, давлат илмий-тадқиқот муассасаларида яратилади. Қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, балиқлари, асарларининг наслдорлиги ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш, наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, тақдор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида табиий иқлим шароитдан келиб чиқиб, барча ҳудудларда зотларни урчиштириш ҳамда районлаштириш ишлари ривожланиб бормоқда.

Селекция ютуқларига ҳуқуқий муҳофазани таъминлашнинг асосий меъёрий ҳужжатларида бири Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ўсимликлар нави ва ҳайвонлар зотининг ботаник ва зоологик оила туркумлари ҳамда турларининг давлат рўйхатидир. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги 10 йил давомида 96 та селекция ютуқлари давлат рўйхатидан ўтказилган ва муҳофаза ҳужжатлари берилган, улардан 83 таси ботаник, 13 таси зоологик оила турлари рўйхатга олинган.

Шунингдек, шу даврда селекция ютуғига патент олиш учун 109 та талабнома келиб тушган, улардан 104 таси янги ўсимлик навларига, 5 таси эса ҳайвон зотларига тегишли. Уларнинг асосий қисмини ғўза (65 фоиз), бугдой (14 фоиз),

шоланинг (12 фоиз) янги навларига берилган талабномалар ташкил этади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш, аграр соҳага замонавий технологияларни татбиқ қилиш билан бирга, боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Айниқса, Президентимизнинг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид фармон ва қарорлари аграр соҳа, хусусан, боғдорчиликни янада ривожлантириш ҳамда уни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди.

Эътиборлиси шундаки, сўнгги йилларда нафақат боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш, балки уни қайта ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари ҳамда тадбиркорлар томонидан охириги йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 дан ортик минитехнология олиб келиниб, ўрнатилиши ҳисобига қайта ишлаш ҳажми қарий беш маротабага ошди. Бу эса партиянинг дастурида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ-деҳқончиликни янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришни илмий асосда ривожлантириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Шу боис селекциячи олимлар томонидан ҳар хил мuddатда пишадиган юқори сифатли ва ҳосилдор, касалликларга чидамли мева ҳамда узумининг 24 та янги нави яратилиб, Давлат реестрига киритилди.

Пировардида тажрибада синалган, қурғоқчилик, турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, юқори ҳосилли навларни кўпайтириш имкони ортмоқда. Шубҳасиз, боғларга тежамкор технологияларни татбиқ қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тоғ, тоғолди ва лалми ҳудудларни ўзлаштириб, боғлар барпо этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётгани аграр тизим ривожига қўл келтирди.

Айниқса, мева-узум маҳсулотларини кўпайтириш, сифатли маҳсулотлар етиштириш мақсадида республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида боғ-тоқзорларни ривожлантириш учун чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги баёни билан тасдиқланди.

Унга кўра 2012-2014 йилларда республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан янги тоқзорлар барпо этиш белгилаб берилди.

Бундан ташқари Паркент туманидаги лалми ер майдонларида боғ-тоқзорлар барпо этиш мақсадида ушбу туманининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида экологик тоза мева-узум маҳсулотлари етиштириш учун қулай шарт-шароит мавжудлигини инобатга олиб, 2014 йилгача 4,3 минг гектар лалми галла майдонлари ўрнида босқичма-босқич янги боғ ва тоқзорлар барпо этиш тақлифлари ишлаб чиқилди.

Интенсив боғларни яратиш билан бирга ушбу боғларда сувни тежаш бўйича томчилик табиқ сугориш усулини кўлланишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалигида 448 гектар, Қашқадарё вилоятида 150 гектар, Тошкент вилоятида «Алишер фойз» ва «З.Сайфудинов» фермер хўжаликлариде 60 гектар боғлар томчилик табиқ сугорилаётгани сувни тежаш имкони бормоқда. Бу омилар ҳам партиямиз илгари сураётган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, инновацион технологияларни ривожлантириш имконини янада кенгайтирмоқда. Бу эса келгусида маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, экспорт тизимини ривожлантириш ва аҳолини мева-узум маҳсулотларига бўлган таълабини янада таъминлаш ҳисобига фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини оширади. Мухтасар айтганда, партиямиз фаолияти, мақсад ва вазифапартиямиз мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар билан ҳамоҳангдир.

**Алишер АКРОМОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
фракцияси аъзоси

### Сўраган эдингиз!

## Ўз номимни оқламоқчиман...

2011 йил менинг иштирокида йўл-ҳаракати ҳодисаси содир бўлиши оқибатида ҳар икки томон тан жароҳати олган эдик. Бироқ мен Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми ва 133-моддаси асосида ҳуқуқбузар деб топилдим. Айбисиз эканлигимни исботлаб, менга етказилган моддий-маънавий зарарларни қандай ундириб олишим мумкин?

Ином Шоипов  
Жиззах вилояти Зомин тумани Муғол қишлоғи

МЖТКнинг 315-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқари

рилган қарор устидан юқори турдаги органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича

туман (шаҳар) судьясига, судьянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса — туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турдаги судга шикоят берилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 316-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилаган қарордан норози бўлганлар шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят бериши мумкин. Мазкур мuddат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу мuddат шикоятни қўриб қилишга ваколатли орган (мансабдор шахс) то-

монидан қайта тикланиши мумкин.


Шундан келиб чиқиб, сизга Олий судга мурожаат қилиш тавсия этилади. Олий суд 1-инстанция суди қарори бекор қилиниб, сизнинг фойдангизга қарор чиқариб берган тақдирда, етказилган моддий-маънавий зарарни ундиришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос  
**Шухрат ЖАҲОНОВ**  
жавоб берди.

Индонезия банклари дунёдаги энг сердаромад банклардан бўлиб қолди. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги ўз ҳисоб-китобларига таянган ҳолда хабар қилади. Агентлик жаҳондаги иқтисодий ривожланган энг йирик йигирмата давлат орасидан бешта етакчи молия муассасаларининг кўрсаткичларини таққослаб чиққан.

### Дунёдан дараклар

#### Энг сердаромад банклар



Индонезия банкларининг рентабеллиги даражаси 23 фоизни ташкил этди. Иккинчи ўринда 21 фоизлик кўрсаткич билан Хитой, учинчи ўринда эса 20 фоизлик натижа билан Канада давлати турибди. Бу тўққиз фоизни ташкил этаётган АҚШ банкларининг рентабеллигидан икки баравар кўндр.

Индонезияда энг юқори натижаларни Bank Rakyat Indonesia банки кўлга киритган

бўлиб, унинг рентабеллиги ўтган йилда 34 фоизни ташкил қилган.

Ўтган йили депозитлар бўйича ставкалар пасайтирилгани, кредитлар қиймати оширилгани туфайли Индонезия банкларининг рентабеллиги маълум даражада ўсган. Натижада қарз капитали даромади ва маблағларни жалб этиш қиймати ўртасидаги фарқ етти фоизга ошган бўлиб, бу дунё-

даги энг яхши кўрсаткичлардан биридир.

McKinsey консалтинг компаниясининг ҳисоботида кўра, дунё банк секторининг рентабеллиги аввалги йилдаги 8,4 фоиздан 7,6 фоизга тушиб кетган. Мазкур кўрсаткич бўйича Европа ва Америка банклари энг паст поғоналарни забт этиб турибди, бу эса ўз навбатида, евроҳудуддаги инкироз билан бевосита боғлиқ.

### Оптик “арвоқлар” суратга олинди

Хитой физиклари бир пикселли камера ёрдамида уч ўлчамли тасвирни суратга олиб, ghost imaging деб номланган оптик “арвоқлар”нинг суратга олиш технологиясини тақомиллаштирди.



Оптик “арвоқлар”нинг суратга олиш услуби аънаъанавий рақамли фотографиядан тубдан фарқ қилади. Бу объектга келаётган ва объектдан таралаётган нур ёруғлигини солиштиришни назарда тутайди. Масалан,

бир пикселли камерадан фойдаланишда объект мураккаб амплитудалар воситасида лазер нури билан ёритилади. Сўнгра олинган ёруғлик таралган нурдан фарқланганини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ёритилган объектнинг

икки ўлчамли кўринишини қайта тиклаш мумкин.

Физикларнинг кашфиёти булут ёки туман оралиғидан уч ўлчамли картиналарни “қўриш” имконини берганлиги боис, ҳарбийлар диққатини ўзига тортган кўринад.

### Машиналарнинг охири кўринмайди

Ҳафта бошида Россиянинг марказий қисмини қоплаб олган қор бу қиш ёққан қорлар ичида энг қаттиқ бўлди ва у ўз йил-олдин ўрнатилган рекордни янгилади.

Москва мэрининг уй-жой коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалолари бўйича ўринбосари Пётр Бирюковнинг таъкидлашича, пойтахтда 216 см. қор ёғиб улгурган бўлиб, бу белгиланган 152 сантиметрли иқлим нормасидан бир ярим баробар кўп демакдир.



Табиий офат шаҳарликларга бўлган неча километрларга чўзилган тирбандликларни “совга қилди”. Куни кеча кечки тигиз пайтда Москва йўлларидаги бандлик 10 балли максимал даражада белгиланди. Бугун тонгда вазият биров юмшади, бироқ ҳали тозаланмаган сирпанчик

йўлларда ҳаракатланиш ҳамон қийин.

Россия пойтахти кўчаларидаги вужудга келган тирбандлик 3,5 минг километрага чўзилган бўлиб, бу Москвадан Мадридгача бўлган масофага тенг. Йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳам тўрт мартага кўпайган. “Бир кеча-кундузда 3,4

мингта майда йўл-транспорт ҳодисалари рўйхатга олинди, шулардан 26 тасида 29 нафар одам жабрланган. Бир киши оламдан ўтган”, деб хабар беради Давлат автомобиль назорати инспекцияси.

Кучли қор ёғиши оқибатида баъзи ҳудудларда фавқулодда ҳолат жорий қилинди.

### Балиқ овига йўл олган эр-хотин миллион доллар ютиб олди

Арканзас штатида яшовчи бир оила битта лотореянинг ўзидан икки марта ютқ олиш имкониятини кўлга киритди, деб хабар беради Associated Press. Эр-хотин Терри ва Стивен Уиверлар балиқ овига кетаётганида лаҳзали лоторея билгани сотиб олиб, 1 миллион доллар ютиб олишди ва миллионерга айланишди.



Эр-хотин овланган ўлжалар билан уйга қайтаётганларида айнан ўша лотореялардан яна битта билет харид қилишга қарор қилди. Иккинчи купон бу оилга яна

50 минг доллар келтирди. Ҳар иккала билетни улар битта дўкондан сотиб олишган эди.

Февраль ойининг бошида Жанубий Каролинада истиқо-

мат килувчи 42 ёшли бошқа бир америкалик ҳам қисқа вақт оралиғида иккинчи марта лоторея соврини соҳибга бўлди. Бу киши икки марта 200 минг доллардан ютиб олди.

### Америка цирки кенгурулар иштирокида бокс жанги ўтказмайдиган бўлди

Миссисипи штатининг Оксфорд шаҳарчасидаги Star Family Circus цирки Роки лаҳзали кенгуру ва масҳаробоз иштирокида бокс жангини ўтказиш фоясидан воз кечди, деб хабар беради WJTV.



Маҳаллий аҳоли шунга ўхшаш матчлардан бирида хайвонларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлинаётганига гувоҳ бўлганларидан сўнг мана шундай қарорга келинган. Цирк Роки иштирокидаги жангини ўз дастурига киритишни маълум қилганда хайвонларни ҳимоя қилувчилар петиция туздилар, унда маҳаллий аҳоли ва ҳокимият вакиллари матчни тўхтатишга ча-

қирилган. Петицияда ёзилганча, “шафқатсизлик — бу ўйин-кулги эмас”. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда қайд этилишича, Star Family Circus 2005 йилдан буён бир неча маротаба хайвонлар, хусусан, кенгурулар фаровонлиги тўғрисидаги норматив ҳужжат қондаларини бузган.

Петиция эълон қилинганидан кейин Оксфорд полицияси цирк вакиллари билан боғ-

ланиб, мулоқот қилди ва кенгурулар билан жанг ўтказмасликка келишиб олдилар. Бу ҳақда цирк бекаси Кети Гарсия расман маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, масҳаробоз аслида кенгуруга бокс қўлқопини кийган ҳолда ҳеч қанақа шикаст етказмаган тақдирда ҳам жанг ўтказилмайдиган бўлди.

Кенгуру иштирокидаги жанглар мунтазам равишда турли циркларда уюштирилади ва бу жанг классик жанрдаги чиқишлардан бирига айланган. “Яшиллар”нинг фикрича, ушбу жангларга жалб этилган жониворлар гоёт оғир шароитларда кун кечиришади ва ўзларининг яқинлари билан умуман кўриша олишмайди.



Молия муассасаларида

“Микрокредитбанк” —

тадбиркор хотин-қизларнинг ишончли ҳамкори

Бугун юртимизда ҳеч бир соҳа йўқки, хотин-қизларимиз иштирок этмаган, улар меҳнатисиз гуллаб-яшнамаган бўлса...



Далварзин, Жумабозор каби туман марказларидан узоқда жойлашган маҳаллалар семинарни ўтказиш учун танланди...

— 2012 йилда банкдан 15 миллион 500 минг сўмлик кредит олиб оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдик...

Шу боис, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга...

этиш тўғрисида”ги Фармони асосида фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси...

садида банк филиалларида доимий равишда махсус ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этишдан бошланди...

да хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадлари учун 6691 нафар тадбиркор аёлга 42 миллиард 986 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди...



ат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтган мазкур тадбирларда халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш...

«Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояларни шакллантириш учун берилган микрокредитнинг йиллик фоизи 3 фоизи...

«Микрокредитбанк» аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими маркази...

Жорий «Обод турмуш йили»да ҳам «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида...

давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг меҳнат ресурслари юқори бўлган ҳудудларида семинарлар ўтказиш белгиланган.

Татами маликаси

келгуси жаҳон чемпионатида қатнашиш учун ҳозирлик кўрмоқда

Нуфузли мусобақаларда, халқаро спорт ареналарида мамлакатимиз вакиллари шарафига юртимиз байроғининг баланд кўтарилиши одатий ҳолга айланди...



У ўн ёшига қадар Фарғона, Гулистон, Тошкент шаҳарларида ўтказилган республика мусобақаларида қатнашишга муваффақ бўлди...

ларлар спортга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик юқори эканлигини яна бир бор амалда кўриб олди...

майди», деб туриб олди. Ундаги ирода ва ишончни кўриб, ўзим ҳам хайрон қолдим.

бошқача, — дейди қизалоқнинг биринчи устози, 1-ДАН «қора белбоғ» соҳибаси Зухра Ғойиббоева.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига марҳамат!



Хурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловида қатнашишга таклиф этади.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

ADOLAT andotat gazeta@mail.ru logo and contact info

ADOLAT andotat gazeta@mail.ru logo and contact info